



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 18 март, № 54 (8949)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев  
Америка Қўшма Штатлари Конгресси аъзоси, Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича парламент кокуси иштирокчиси Кэрол Миллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида парламент аъзоси давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти, Конгресс раҳбарияти ва Ўзбекистон бўйича кокус аъзоларининг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Икки томонлама ҳамкорликда юқори даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Фаол сиёсий мулоқотлар ва идоралараро алмашинувлар давом этмоқда. Кейинги йилларда товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми бир неча баробар ортди, бизнес кооперацияси кучаймоқда.

Тошкент шаҳрида Вебстер университети ва Америка технология университети фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, транспорт, божхона, миграция, маданият ва бошқа устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Кэрол Миллер янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар стратегияси, жумладан, иқтисодий модернизация қилиш, демократик институтларни, энг аввало, парламентни мустаҳкамлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишлар натижаларини юксак баҳолади.

Иқтисодий ва инвестициявий лойиҳаларни, шу жумладан, тоғ-кон, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш мақсадида парламентлараро ҳамкорлиқни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳудудларининг Америка штатлари билан шериклик алоқаларини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар ва Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Матбуот хизмати сурати.

### Учрашув

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Кэрол Миллер хоним билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат ва жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш ва инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди. Шунингдек, энергетика саноати, таълим, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва гендер тенглик ма-

салаларида ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда парламент дипломатияси муҳим ўрин тутганини таъкидлаб, дўстлик гуруҳларини ташкил этиш ҳамда ҳудудлараро мулоқотларни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилди.

Учрашув якунида парламентлараро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ҳамда икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Кэрол Миллер билан учрашди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга янги таҳрирдаги Конституция ва «Ўзбекистон — 2030» Томонлар давлатлар ўртасидаги стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, қўмиталар ва комиссияларнинг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, меҳмон самийи қабул учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг сўнгги йил-

ларда тобора кенгайиши ва мустаҳкамланишида, турли соҳалардаги серкирра ҳамкорлиқнинг ривожланишида кузатилаётган барқарор ижобий тенденцияни мамнуният билан қайд этди.

АҚШ парламенти аъзоси К. Миллер Ўзбекистонда кейинги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичда амалга оширилаётган фаол ислохотлар ва ўзгаришларни юқори баҳолади. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган минтақавий ҳамда халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган

конструктив ва очиқ ташқи сиёсат алоҳида таҳсинга сазоворлигини билдирди.

Учрашувда икки мамлакат қонун қиравуви органлари ҳусусида сўз борар экан, парламентлараро ҳамкорлиқни янада кенгайтиришда депутатлар ўртасидаги маблағ сарфланмоқда. Лекин фақат шунга қараб қолмасдан, соҳага хусусий секторни кенгроқ жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, маҳаллий тадбиркор Осиё тараққиёт банки иштирокида Олмалик, Белик, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида оқова сув тозалаш иншоотларини қурапти. Яна бир тадбиркор Андижондаги иккита туманда сув ва оқова хизматларини хусусий бошқарувга олиш ташаббуси билан чиққан.

Шу каби хусусий шериклик лойиҳаларини қўпайтириш, йирик корхоналаримизнинг халқаро тендерларда қатнашиш имконини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини соддалаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Энди тендерларни тезлаштириб, йил якунигача 850 миллион долларлик ишларни бажариш топширми берилди.

Яна бир муҳим вазифа — соҳани рақамлаштириш. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкидан 125 миллион доллар жалб қилиниши белгиланган. Беш йилда йирик сув иншооти ва магистраль қурувларга 4 минг 800 та «ақлли» ҳисоблагич, 2 минг 800 та телеметрия тизими ўрнатиш кўзда тутилган.

Бу электротехника саноати учун катта бозор экани қайд этилиб, ҳисоблагич ишлаб чиқаришни қўпайтириш, уларга хизмат кўрсатишни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Иссиқлик таъминоти табиий газ энг кўп сарфланадиган соҳалардан бири. Шу боис 11 март кунги бозор экани тубдан ислохотга ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, «Иссиқлик таъминоти» компанияси ташкил этилиб, ҳудудлардаги 23 та корхона унинг таркибига ўтказилди. Кейинги беш йилда иссиқлик тизимларини тиклаш учун 19 триллион сўм йўналтирилади. Марказлашган иссиқлик

«Халқ сўзи».

## АҲОЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

### Фракциялар ҳаёти

Жумладан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дastлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 11 — 13 март кунлари Франция Республикасида давлат ташрифининг аҳамияти муҳокама қилинди.

Депутатлар ушбу ташрифнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга, икки томонлама муносабатларни барқарор қўқурлаштиришга хизмат қилишини, ҳар икки томоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётига янги суръат бағишлашини қайд этдилар.

Йиғилишда «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киратиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

У билан бир қатор қонунларга Ўзбекистон Республика-

си Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан фуқаролар (ойилалар)нинг маълумотларини олиш ва қайта ишлаш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилишмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, унда назарда тутилаётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларини саволларга тўтишди. Партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, лойиҳани янада тақомиллаштириш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича қатор тақдирлар берилди.

Боаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасининг муҳокама-си ҳам қизгин кечди. Фракция аъзолари ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳусусида сўз юритиб, у билан Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаган гивохларни сўроқ қилиш муддатларини аниқ белгиланган ўзгаришлар киритилиши қайд этди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

17 март кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг «YouTube» тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисининг биринчи куннда дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш мажлисида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари олдига турган вазифалар кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда соҳанинг норматив-ҳуқуқий асослари шакллантирилганлиги, институционал ўзгаришлар амалга оширилганлиги, коррупциянинг олдини олишга қаратилган қатор амалий чоралар кўрилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Соҳага оид 10 га яқин қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10 та Фармон ва қарори, ҳукуматнинг 2 та қаро-

ри ва 20 дан ортқ идоравий ҳужжатлари ҳамда 2 та давлат дастури тасдиқланди.

Хусусан, давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилловчи «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун билан давлат фуқаролик хизмати ислох қилиниб, давлат хизматида коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмлар жорий этилди.

Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертиза-си тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизими яратилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди.

Миллий кенгаш таркибидан давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг ўрин олиши орқали барча давлат ва нодавлат ташкилотларининг соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш имконияти яратилди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва

амалга ошириш учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида ҳар йили Миллий маърузани тайёрлаш ва уни Олий Мажлиси палаталарига киритиш амалиёти йўлга қўйилиб, ушбу жараён Конституциямизда ҳам ўз аксини топди.

Бундан ташқари, 117 та давлат органи ва ташкилоти, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс назорат) тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада қатор камчиликлар ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Курилишга рухсат бериш, бинони топширишда ёнғин хавфсизлиги бўйича бюрократия ва қонун бузилиши ҳолатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, асосан, коррупцияни аниқлаш ва жазолаш билан шуғулланиб, коррупциявий омилларнинг олдини олишга, превентив чораларни кўришга эътибор қаратилмагани шулар жумласидандир.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишда давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс назорат) бўлиммаларининг ўрни ва масъулияти



## КОММУНАЛ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 17 март кун ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Аҳолининг ҳаёт сифатида муҳим бўлган бундай ишлар қамрови кенгайиб бормоқда.

Бу йил 1 минг 619 километр ичимлик суви, 521 километр оқова сув тармоқларини тортиш, тизимдаги 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Буларнинг натижасида 715 минг аҳолига илк бор тоза ичимлик суви етиб боради, 135 минг хонадон оқова тармоғига уланади, 157 минг истеъмолчига замонавий ҳисоблагич ўрнатилади.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи доирасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ичимлик суви бўйича 340 миллион евролик 3 та лойиҳа келишилди. Жумладан, Франциянинг “Suez” компанияси Денов, Шўрчи, Саросиё ва Қумқўрғондаги ичимлик суви таъминотини хусусий бошқарувга олапти. Натижада вилоятда марказлашган ичимлик суви қамрови 90 фоизга етиши кутилмоқда.

Оқова тармоғи мавжудлиги қурилиш, саноат ва хизматлар ривожини учун муҳим омил. Уни кенгайтириш учун бюджетдан ҳар йили триллионлаб маблағ сарфланмоқда. Лекин фақат шунга қараб қолмасдан, соҳага хусусий секторни кенгроқ жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, маҳаллий тадбиркор Осиё тараққиёт банки иштирокида Олмалик, Белик, Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларида оқова сув тозалаш иншоотларини қурапти. Яна бир тадбиркор Андижондаги иккита туманда сув ва оқова хизматларини хусусий бошқарувга олиш ташаббуси билан чиққан.

Шу каби хусусий шериклик лойиҳаларини қўпайтириш, йирик корхоналаримизнинг халқаро тендерларда қатнашиш имконини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини соддалаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Энди тендерларни тезлаштириб, йил якунигача 850 миллион долларлик ишларни бажариш топширми берилди.

Яна бир муҳим вазифа — соҳани рақамлаштириш. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкидан 125 миллион доллар жалб қилиниши белгиланган. Беш йилда йирик сув иншооти ва магистраль қурувларга 4 минг 800 та «ақлли» ҳисоблагич, 2 минг 800 та телеметрия тизими ўрнатиш кўзда тутилган.

Бу электротехника саноати учун катта бозор экани қайд этилиб, ҳисоблагич ишлаб чиқаришни қўпайтириш, уларга хизмат кўрсатишни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Иссиқлик таъминоти табиий газ энг кўп сарфланадиган соҳалардан бири. Шу боис 11 март кунги бозор экани тубдан ислохотга ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, «Иссиқлик таъминоти» компанияси ташкил этилиб, ҳудудлардаги 23 та корхона унинг таркибига ўтказилди. Кейинги беш йилда иссиқлик тизимларини тиклаш учун 19 триллион сўм йўналтирилади. Марказлашган иссиқлик

таъминоти қамрови 37 фоиздан 58 фоизга етади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича топшириқ берилди. Қайд этилганидек, 9 мингта уй-жой ва бино ёпиқ иситиш тизимига ўтказилади. Натижада иссиқлик йўқотилиши 2 баробар, газ истеъмоли 20 фоизга камаяди.

Йиғилишда баҳорги экиш тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳокимликни заҳирасида турган ерларни ажратишни соддалаштириш чоралари белгиланди.

Энди қишлоқ ерларини аукционда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш бекор қилинади. Аукционда сотилмаган ернинг қиймати кейинги савдоларда қунига 10 фоиздан пасайтирилади. Тақририй аукционда битта иштирокчи қатнашса ҳам қолиб қисбланади. Ернинг 10 — 20 фоизи қорва учун озуқа экишга чиқарилади.

Ҳозирда 93 мингдан зиёд фермерлар фаолияти тадбиркорлик рейтингини орқали баҳоланяпти. Энди бу рейтинг ҳисобдорлик, ишчи сонини, маҳсулот ҳажми каби мезонлар бўйича алоҳида бўлиши маълум қилинди.

Юқори рейтингдаги фермерларга кредитини қайтармаслик хавфини суғурталаш талаби бекор бўлади. Ер солинган 3 баробар, фермерлар кенгашига тўланадиган бадал 2 қарра камайтирилади. Пахта ва галлада меъёрдан кўп ҳосил олганларга 25 фоизга ерида қорва озукаси, сабзавот, дуккалик ва бошқа екинларни алмашлаб экишга рухсат берилди.

Президент фармойиши билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида маҳаллаларда олиб борилаётган деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ахборот берилди.

Баҳорда 125 миллион туп қўчат еклиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, сугоришни яхшилаш муҳим экани таъкидланди. Жумладан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда геомембрана қопламали ҳовузлар барпо этилади.

Утган йили тажриба тарзида 208 та маҳаллада “маҳалла-сервис” компаниялари ташкил қилиниб, аҳолига 23 турдаги хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган эди. Энди бу тизим кенгайтирилиб, яна мингта шундай компания тузилади. Хизматлар тури ҳам қамда 30 тага етказилади. Хитой тажрибаси асосида 5 минг киши маҳаллага хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилади ва 15 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Бу йилдан 208 та туман ва шаҳар ободонлаштириш бўлимлари таркибиди ички йўлларни сақлаш участкалари ташкил қилинди. Уларга қўшимча 5 турдаги махсус техника сотиб олиш учун 700 миллиард сўм ажратилди. Мутасаддиларга ички йўлларни таъмирлаш, маҳаллаларда энергия таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

ЎзА.



Олий Мажлис Сенатида



Дипломатик корпус вакиллари ҳисоботи

Олий Мажлис Сенатининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Польша ҳамда Латвия Республикаларидаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисда сенаторлар, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссиялари аъзолари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Ҳисоботларда келтирилишича, ўтган давр мобайнида ушбу давлатлардаги элчихоналар томонидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, бир қатор инвестиция лойиҳалари асосида хориж сармоялари жалб қилинган — 2024 йилда мамлакатимизга Хитойдан 10,1 млрд., Жанубий Кореядан 352 млн., Польшадан 45 млн. ва Латвиядан 22,3 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоялар киритилган.

Бунинг натижасида Андижон, Жиззах, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида хитойлик ҳамкорлар билан саноат зоналари лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Андижон ва Фарғона вилоятларида қиймати 288 млн. АҚШ доллариға тенг ҳар бири 150 МВт қувватдаги энергия сақлаш тизимларини ўрнатиш каби йирик лойиҳалар ишга туширилган.

Латвиянинг “BAO” компанияси томонидан Навоий вилоятида фосфорит қазиб олиш бўйича қиймати 30 млн. долларлик сармоявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан 115,6 млн. долларлик 23 та лойиҳа амалиётга киритилляпти. 2025 йилда 44,6 млн. АҚШ доллариға тенг 5 та лойиҳа бошланиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, меҳнат миграцияси йўналишида кулай шарт-шароитлар яратилаётгани ҳисобига бугунги кунда Жанубий Кореяда жами 40 мингга яқин, Польшада 25 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари ишга joyлаштирилган. Бу борада Латвиянинг Иш берувчилар конфедерацияси раҳбарияти ва унинг таркибига кирувчи 20 дан зиёд иш берувчилари иштирокида “Меҳнат форуми” ташкил этилган.

Ушбу мамлакатлардан Ўзбекистонга келатган сайёҳлар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда Хитойдан 77 минг, Жанубий Кореядан 42 минг, Польшадан 14 минг ва Латвиядан 3,5 минг сайёх ташриф буюрган.

Йиғилишда эришилган муваффақиятлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам тилга олинди. Хусусан, мазкур дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари фаолиятидаги камчиликлар, жумладан, қонунчиликни такомиллаштириш, истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш, экспорт таклифларини яратиш ҳамда хорижда республиканинг иқтисодий манфаатларини тарғиб қилишдаги тизимли муаммолари кўрсатиб ўтилди.

Мажлис сўнггида сенаторлар томонидан дипломатик ваколатхоналар раҳбарлигига тавсиялар ва фаолият натижадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

«Халқ сўзи».

Элчи билан мулоқот

Олий Мажлис Сенатида Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари О. Маматкаримов Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси А. Огородников билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик муҳокама қилинди. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик савдо айланмаси 600 млн. АҚШ долларидаан ошгани таъкидланди.

Беларусь элчиси Минскда ўтказилган биринчи Беларусь — Ўзбекистон туристик форуми ҳақида маълумот бериб, жорий йилда Тошкентда иккинчи форум ўтказилиши режалаштирилганини қайд этди. Шунингдек, шу йилнинг 20-21 август кунлари Витебск шаҳрида учинчи Беларусь — Ўзбекистон аёллар форуми бўлиб ўтиши маълум қилинди.

Учрашувда 5 — 9 апрел кунлари Тошкентда Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилейи ассамблеяси ўтказилиши ва унда 190 га яқин давлатлардан 2 мингга яқин парламент аъзолари иштирок этиши айтиб ўтилди. Беларусь делегацияси мазкур тадбирда юқори даражада қатнашиш истагини билдирди.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ УСТУВОРЛИГИ КАФОЛАТИ

Депутатлар фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, уларнинг эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Савол-жавоблардан сўнг ҳар иккала қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ййғилишида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга болаларни жинсий зўравонликлардан ҳимоялаш, болалар тасвирланган порнография маҳсулотларини сақлаганили учун жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи ўзгартришлар киритилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, уни ишлаб чиқишда хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилгани билан қизиқди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берилди.

Муҳокамадан сўнг ушбу қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Фракция аъзоси Руслан Жумауратовнинг айтишича, солиқ муносабатларидаги электрон ҳужжатларда имзо сифатида ҳужжатни имзолагани шахсининг розилигини ифода-лайдиган ҳамда уни идентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлашнинг бошқа усулларидаан фойдала-

ниш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳаси солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилишини, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида депутатлар томонидан қатор таклифлар эътиборга олинганини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси ййғилишида дастлаб 11 — 13 март кунлари Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу давлатга ташифининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Шунингдек, ййғилишда Маъ-



мурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартриш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат бир гуруҳ депутатлар томонидан сайловчилар билан учрашувлар давомида кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳамда янги тахрирдаги Конституциямизнинг 29-моддаси асосида ишлаб чиқилган.

Унда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жо-

рий этиш назарда тутилмоқда. Бунда айрим тоифадаги ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фақат жабрланувчининг аризасига асосан бошланиши белгиланмоқда.

Ййғилишда лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилгани таъкидланиб, бу бўйича аниқ мисоллар келтирилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, таклиф ва тавсияларини илгари сурди. Хусусан, лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, унинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувнинг олдини олишга хизмат қилади. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййғилишида дастлаб “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларининг ногиронлиги бор шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти, ўзаро ҳамкорлик масалалари атрофлича қўриб чиқилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан марказларда ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш борасидаги ишлар ва режалар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Фракция аъзоси Қизилгул Қосимова “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари партия электорати манфаатлари ҳимоясини кучайтириш йўлида катта ислохот бўлганини таъкидлаб, ногиронлиги бўлган шахсларга олинмаган дори-дармон воситаларининг тендерга қўйилишида айрим камчиликлар кузатилаётгани юзасидан фикрларини билдирди.

Фракция аъзоси Ирина Токарева Тошкент шаҳри мисолида “ижтимоий карта”ларни олиш, фойдаланиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари етарли даражада эмаслигини қайд этди. Мутасаддилар ушбу масалалар бўйича аниқ маълумотлар етказилишини маълум қилди.

ЎЗХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятлов марказлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун доимий мулоқот зарурлигини, партия ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолаш режалаштирилганини, шунингдек, депутатлар ва агентлик ходимлари биргаликда ўрганишлар ташкил этиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Ййғилишда, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам қўриб чиқилди.

Фракция аъзоси Имомназар Турсунов аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда шахсларнинг (оила) иқтисодий ҳолатини аниқлашда муаммолар мажмуҳлиги, хусусан, ижтимоий ёрдам ёки хизмат олиш учун мурожаат қилган шахснинг (оила) тижорат



банкларидаги омонатлари, пул ўтказмалари бўйича (маблаг қабул қилиш ёки жўнатиш) маълумотлари ва ҳисоб рақамларидаги қолдиқ маблагларини ўрганиш эҳтиёжи юзага келаётганини таъкидлади.

Мутасаддилар ушбу масалалар ечими назарда тутилаётгани, “ижтимоий карта” тизимини йўлга қўйишга доир янгича ёндашувларга ўтилаётганини таъкидлашди. Қизғин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййғилишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Унга қўра бир қатор қонунларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан фуқаролар (оилалар)нинг маълумотларини олиш ва қайта ишлаш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартриш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан фуқароларнинг ижтимоий ёрдам ва хизматлардан фойдаланиш, ижтимоий картани расмийлаштириш тўғрисидаги ари-

заларидаги имзоларни нотариял шаҳодатлаш талаб этилмаслиги белгиланяпти.

Бундан ташқари, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига шахсларга ижтимоий картани расмийлаштириш (амал қилиш муддатини узайтириш, алмаштириш, тугатиш)да тегишли маълумотлар, шу жумладан, банк сирига оид маълумотларни олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ййғилишда қонун лойиҳасидаги нормалар фракция аъзоларининг қизғин мунозараларига сабаб бўлди. Ундаги моддаларни такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар берилди.

Фракция аъзоси Наврўзбек Юсупов қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва бу орқали давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг манзиллигини таъминлашга йўл очишини қайд этди.

Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ййғилишларда фракциялар фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЭЗГУ ҚАДРИЯТЛАР, МЕҲНАТ ВА БУНЁДКОРЛИК ИФОДАСИ

Наврўз — эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик айёми сифатида ҳар биримизнинг ҳаётимизда бекиёс ўринга эга. Зотан, кутлуг кун она замин ва табиати асраб-авайлаш тамойилларига уйғун бўлиб, айём арафасида кексалар ҳолидан хабар олинади, эҳтиёжманд аҳоли қўллаб-қувватланади, уларга янада эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади, шахар ва қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз обод қилинади. Эзгулик байрамимиз она заминга меҳр, тинчлик, меҳнат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик каби умуминсоний ғояларни тараннум этиши билан ҳам нияҳатда аҳамиятлидир.

Фикр

Давлатимиз раҳбарининг яқинда имзоланган “2025 йилги Наврўз умухалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридида Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида нишонланганидан бу йилги Наврўз шодиёналарини ҳам ана шундай эзгу қадриятлар асосида янгича руҳ ва мазмун билан ўтказилиши белгиланди.

Ушбу айёمنى янги Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда нишонлаш мақсадида муҳим чора-тадбирлар кўзда тутилди. Жумладан, “Яшил макон” умуимиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арафасида барча ҳудуд — қиёа, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўчаламзорлаштириш акцияларини, умухалқ ҳашарларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўжиз эмас. Чунки бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги қўллаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилаётгани, ҳаво ва сувнинг йиғиланиши, тупроқ эрозияси, чўлланши, қазилма ёқилгиларни беҳисоб ишлатиш глобал иссиғиша, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келмоқда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига катта зарар етказмоқда. Уларни енгиб ўтиш учун ҳар гал Наврўз айёми арафасида ушбу йўналишда янада кен қўллами ишлар амалга ошириляётир.

Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан бундан тўрт йил аввал бошланган “Яшил макон” умуимиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Баҳор ва кўзда даррақ кўчатлари экиш аънанаси жонлибди, лойиҳага кўра ҳар йили 200 миллион туп

даррақ ва бутта кўчатлари экилмоқда ҳамда бу тадбирлар аҳоли ўртасида атроф-муҳитга бўлган масъулиятли ёндашуви шакллантиришга хизмат қияпти. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимиз бўйича жами 700 млн. тупдан ортиқ, 2024 йилнинг ўзюнда эса жами 300 млн. тупдан зиёд кўчат ва буталар экилди. Оролбўйида “яшил қоплама” 2 млн. гектардан ошди.

Бундан ташқари, ҳудудларда “яшил боғлар” 134 тага етказилди, шу билан биргаликда, йирик саноат корхоналари ва чиқинди полигонлари атрофиға ҳам даррақлар экилиб, “яшил белбоғ”лар ташкил қилинмоқда.

Шу каби амалга оширилган ишлар натижасида республикадаги йирик туман ва шаҳарларнинг яшиллик даражаси 15,3 фоизга етгани, албатта, эътиборга молик.

Айтиш керакики, бугун мамлакатимиз чинакам бунёдкорлик, яшиллик ўлкасига айланмоқда. Янгиликлар ва яшарли байрам арафасида эзгу аънаналар янада кенг қўлаб ёэяпти. Юртдошларимиз ўз ўрни, қўчаси ва маҳалласини обод этишга астойдил ҳаракат қилиб, ўтказиладиган ҳашарлар давомида ирригация тармоқларини тоза-лаш, ерни экишга тайёрлаш, дов-даррақларни буташ, уч авлод вакиллари — бобо, ота ва набиларлар иштирокида ниҳол экиш тадбирларини ташкил этиш, озик-овқат хавфсизлиги, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш, соғлом турмуш тарзи каби масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни вақтда “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида голиб, деб топилган 215 та лойиҳа бўйича босқичма-босқич экиш ишлари бошланди. Аҳоли ва жамоатчилик ташаббуси билан “яшил

боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни ташкил қилиш бўйича қиймати 250 млн. сўмдан ошмаган ташаббуслар молиялаштирилиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, “Яшил макон” умуимиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар парламентнинг доимий эътиборида. Соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга аҳамият қаратиламоқда. Хусусан, сўнгги бир йил давомида бу бўйича 7 та қонун қабул қилинди. Шундан 3 та қонун лойиҳаси бевоасита қўйи палата депутатлари томонидан ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда даррақлар ва буталарнинг қийматбаҳо навларини кесмишга олиб келадиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққанлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, даррақларни қонунга хилоф равишда кесганлик, қандақов қилганлик ёки шикастлангирганлик учун маъмурий жазо чоралари кўчайтирилди. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунда эса давлат ўрмон фондиға кирмайдиган даррақлар қийматбаҳо навларини қонунга хилоф равишда кесган ёки йўқ қилган шахсларға компенсациявий даррақ ва бутта кўчатларини экиш ҳамда уларни уч йил давомида парвариллаш мажбурияти белгиланди.

Албатта, бу йўналишда амалга ошириляётган ишлар изчил давом эттирилади. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш билан бирга, амалга ошириляётган сайёҳ ҳаракатлар устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини рўёбға чиқаришда, шубҳасиз, барчамиз, айниқса, депутатлар корупси вакиллари янада фаоллик кўрсатади.

Ҳилола ЮСУПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

«Халқ сўзи».

# МАҚСАДИМИЗ — ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МАЗМУНИНИ ОШИРИШ

Мамлакатимизда барча соҳалар каби таълимни ривожлантириш жараёнида ҳам халқаро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, Президентимизнинг Францияга амалга оширган давлат ташрифи доирасида Париж шаҳрида ўтказилган «Илм-фан ва таълим: Ўзбекистон — Франция кўприги» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда икки мамлакат ўртасидаги таълим, илмий тадқиқот ҳамда маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янги bosqichga олиб чиқишга қаратилган муҳим бир воқеалик бўлди.

## Нуктаи назар

Тадбирда таълим соҳасида янги имкониятларни яратиш, биргаликдаги дастурлар ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ҳам Франциянинг етакчи олий таълим муассасалари билан бир қатор муҳим шартномалар имзолади. Булар нафақат икки мамлакат ўртасидаги илмий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки ўзаро малака ошириш, тахриба алмашиш ҳамда ўқитувчилар, талабалар алмашинуви кўламини кенгайтириш мақсадларини кўзда tutadi.

Эътиборлики, ЎзДЖТУнинг Франция университетлари билан олиб борган ҳамкорлик ишлари нафақат академик ютуқларни кўлга киритиш, балки илмий ва маданий алоқалар кўпригини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин tutadi.

Франциянинг Пуатье университети билан имзоланган ҳамкорлик шартномаси икки дорилфунун ўртасида турли йўналишлардаги алоқаларни янги bosqichga олиб чиқишга қаратилган. Ушбу келишув доирасида қўшма илмий тадқиқотлар, инновацион лойиҳалар ва ахборот технологияларини ривожлантиришга эътибор қаратилади. Пуатье университети билан бирга амалга ошириладиган Европа Иттифогининг «Erasmus+» дастури доирасидаги лойиҳа университетимиз талабалари ва ўқитувчиларига Францияда амалиёт ўтатиш ва малака ошириш имкониятларини тақдим қилади.

Париждаги Сорбонна университети билан имзоланган илмий-академик ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга биноан талабалар, профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда таълим дастурларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.



Франциянинг Халқаро бирдамлик ва таълим ассоциацияси (ХБТА) билан ҳам аниқлашув меморандумини имзолади. Мулоқот чоғида томонлар маданий ва илмий алмашинувлар кўламини кенгайтириш, шунингдек, янги педагогик технологиялар ва илмий ютуқлар борасида тахриба алмашиш бўйича ўзаро фикр алмашиш.

Хамкорликнинг асосий йўналишлари сифатида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар томонидан маданий-илмий тадқиқот дастурларини амалга ошириш ҳамда янги таълим дастурларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, ЎзДЖТУда 20 дан ортиқ хорижий тиллар, жумладан, француз тилининг ўқитилишини таъминлаштириш борасида самарали фаолият олиб боришмоқда. Бугунги кунда таълим муассасамизда юқори малакали ва тахрибали профессор-ўқитувчилар жамоаси талабаларга нафақат тилни ўрганиш, балки Франция маданияти, адабиёти ва илм-фани билан танишиш имкониятини ҳам тақдим этаётир. Натияжада талабалар француз тилини мукам-

мал ўрганиш билан бирга, Франциянинг етакчи университетларида таълим олиш ҳамда илмий изланишлар олиб бориш имкониятига эга бўлмоқда. Биз ёш олим ҳамда ўқитувчилар учун янги илмий уфқлар яратишда давом этамиз, албатта.

Шу ўринда ҳамкорликдаги яна бир янги лойиҳа ҳақида тўхталсак. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон — Франция университетидида «Қайта тикланадиган энергия», «Транспортда логистика ва интеллектуал тизимлар» ҳамда «Лингвистика: француз тили чет тили сифатида» мутахассисликлари бўйича магистратура дастурлари йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа Пуатье, Лион 2, Реннес ва Ле Хавре Нормандия университетлари билан биргаликда амалга оширилиб, мамлакатимиз ёшлари учун кенг имкониятлар яратилади.

Хар сафар тил ўрганиш масаласида гап кетса, Гётенинг «Инсон нента тил билса, у шунча одамдир», деган гапи ёдга тушади. Гёте ҳақ, чуқри хорижий тилни билиш ҳар бир инсон учун янги миқёслар эшигини очди. Шу маънода, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида француз тили 1949 йилдан бунён ўқитиб келинади. Хозирги кунда 46 нафар профессор-ўқитувчи 2,5 мингдан зиёд талабаларга француз тилидан сабоқ бериб келаётган бўлса, уларнинг 2 келадиган Франциядан таълим этилган мутахассислардир.

Асосийси, Франция олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигимиз натижаси ўлароқ келажақда юртимиз умумтаълим мактабларида ҳам француз тилини ўргатиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган. Мақсадимиз ёшларга хорижий тилларни мукамал ўргатиб, бу йўлда зарур шароитларни яратиш, юртимиз таълим тизимини, хусусан, ЎзДЖТУни дунё бўйича кучли олий таълим муассасаларидан бирига айлантиришдан иборат.

**Илхомжон ТЎХТАСИНОВ,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори.

# ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ ШОНЛИ МЕРОСИ ҲАМИША БАРҲАЁТ

Президентимизнинг 2025 йил 14 мартдаги «Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори маънавий-маърифий ҳаётимизда том маънода тарихий воқеалик бўлди. Ушбу муҳим ҳужжат буюк ватандошимиз, исломий илмлар ривожига улкан ҳисса қўшган беназир аллома, калом илмининг султони Имом Абу Мансур Мотуридийнинг ибратли ҳаёти йўли ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишни рағбатлантириш, мотуридийлик таълимотига хос бағрикенглик, мўътадиллик тамойилларини халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда гоят улкан аҳамият касб этади.

## Акс садо

Имом Мотуридий ҳақида сўз борганда, дастлаб у зотнинг «ҳидоятга бошловчи имом» рутбаси ёдга келади. Дунё муслмонларининг ақсари яти асарларини ҳужжат деб қабул қиладиган, ақидасини таянч деб биладиган аллома бошқа юксак унвонлар билан ҳам шарафланган. «Хидоят байроғи», «Муслмонлар ақидасини ислоҳ этувчи», «Аҳли сунна пешвоси» шулар жумласидан.

Имом Мотуридий ислом олами-нинг энг эътиборли ва эъзозли алломалари сафида доим катта ҳурмат билан тилга олиниши бежиз эмас, албатта. Ҳидоятга бошловчи имом ислом тарихининг ўта тахликали даврида юзага келган кўплаб бузғунчи оқимларга мардонлароқ қарши курашган, уларнинг ҳар бирига асосли раддиялар беришга журъат ва шижоат топа олган. Ақида — калом илмига асос солиб, аҳли суннани энг мустахкам пойдевор узра жипслаштиришга бор куч-ғайрати, илми ва салоҳиятини йўналтири билган. Шу боис ҳам, Имом Мотуридий таълимоти аҳли сунна вал жамоа ақидасининг асл ўзаги эканини барча замонда уламолар бирдек эътироф этади.

Беназир олим яшаган даврни тасаввур қилишнинг ўзи жуда оғир. Турли фикирлар ўз гоъларини илгари суриб, одамларни чалғитар, уларнинг мафқуравий бахслари кўплаб нохуш-ликларга сабаб бўлар эди. Имом Мотуридий ҳар бир адашган оқимнинг ботил эканини пешма-пеш раддиялар билан асослай бориб, пировардидида уларни «очиқ жанг майдони»да бутунлай мағлуб қилишдек улкан жасорати билан муслмонлар ақидасини ислоҳ этувчи бўлди. Ақида илмининг ҳам ўз даври, ҳам келажақ авлод учун ўлмас илмий пойдеворини бунёд қилди. Унинг асарлари асрларга татийдиган маъна ва иқлиланмай айтиш мумкинки, мангуликлар ичра мардонлароқ қад кўтариб турадиган истеҳкомдир.

Бу фикирни тасдиқлаш учун Имом Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» тафсирига назар солишнинг ўзи кифоя. Аллома Қуръонни тафсир қилар экан, ўзини келганда, ўз давридаги адашган оқимларнинг гоъ ва қарашларини ҳам келтириб, уларга нақлий ва ақлий далиллар билан жавоб беради. Уларнинг қаерда қай йўсин адашганини, хатоси нимадан иборат эканини кўрсатади. Шу билан бирга, гўё узок келажаққа кўз тикиб, ўзидан кейин рўй беражак воқеаларни кўргандек, «агар бизга фалон-фалон деб савол беришса, у ҳолда бундай деймиз...» деб, ҳали ўртага чиқма-

гани тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этишдан иборат. Бунда мўътабар асарларни таржима қилиб, халқимизга тақдим этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Имом Бухорийнинг шох асари ўзбек тилига ўғирилди. «Сунани Термизий», «Сунани Доримий», Абдуллох ибн Муборак ва Абд ибн Хумаид Кешийнинг «Муснад»лари каби энг ишончли ҳадис тўпламлари

таълимоти бўйича илмий танлов ўтказиш, голиблар иштирокида Ўзбекистонда маданий-маърифий учрашув ва семинар-тренинглар ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу тадбирлар нуфузли анжуманнинг узвий давоми бўлиб, у яратадиган халқаро ҳамкорлик майдонини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Албатта, эсдалик совғаларини муомалага чиқариш, почта маркалари, тақвимлар, буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва илмий меросини ёритиб берадиган бошқа кўргазмали ахборот воситалари туркумини яратиш, алломанинг серкирра ҳаёти йўли ва илмий меросининг бугунги кундаги аҳамиятини очиб берадиган бадиий-публицистик фильм сураатга олиш каби тадбирлар кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида Имом Мотуридий ва мотуридийликни ўрганишга қизиқиш-ни янада оширади.

Яна бир воқеа — Самарқанд вилоятида Имом Мотуридий ва мотуридийлик таълимоти йўналишида фаолият олиб борган алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий меросига бағишланган асарларнинг нодир қўлёзма ва нашр нусхалари, китоблари кўргазмасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу алломанинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга иштиёқмандлар сафини янада кенгайтириб, тадқиқотчиларимиз ўзин ўзига хос илмий чашма бўлиб хизмат қилади. Қарорнинг «мотуридийлик таълимотида мансуб алломаларнинг илмий мероси ва ноёб қўлёзма асарларини ўрганиш бўйича Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни кўллаб-қувватлаш жағфармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишларига давлат буюқтасини белгиланган тартибда шакллантириб бориш» тўғрисидаги банди ҳам шунга қаратилган.

ҳам ўзбек тилида халқимиз қўлига етиб борди.

Имом Мотуридийнинг «Таъвилот ал-Қуръон» асари ҳажман каттароқ бўлгани ва ўта нозик принципиал масалаларни қамрагани боис унинг она тилимизга таржимаси ҳали давом этмоқда. Бу жуда меҳнатталаб, вақт-талаб иш бўлиб, bosqichma-bosqich, лекин узвийлик асосида, маслаҳат билан, кунт ва ўта синчковлик билан ёндашишни тақозо қилади. «Таъвилот ал-Қуръон» фақат ақида эмас, балки фикрга ҳам оид энг нодир манбалардан эканини унутмаслик лозим.

Президентимиз қарори ва унга мувофиқ, жорий йилда юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги кенг нишонланиши аллома ҳаёти, бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда янги даврни бошлаб беради. Жумладан, санага бағишланган тадбирлар доирасида апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши мўлжалланаётган «Мотуридийлик — бағрикенглик, мўътадиллик ва маърифат таълимоти» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман алоҳида аҳамиятга эга. Дунё бўйлаб мотуридийликнинг энг забардаст олимларини бир жойга тўплайдиган бу форум ислом оламида янги мулоқот платформасини яратиш билан бирга, бугун жаҳонда ҳар турли шiorлар, бузғунчи мафқулар билан муқаддас динимизни ёмонотлик қилишга уринаётган қучларга қарши курашиш учун мустахкам истеҳкомни вужудга келтиришда муҳим ўрин tutadi.

Имом Мотуридий таваллудининг тантанаси доирасида хорижлик тадқиқотчилар ўртасида мотуридийлик

**Шовосил ЗИЁДОВ,**  
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори.

## Асар қўлёзмалари каталоги яратилади

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» асари ислом илм-фанида бекиёс аҳамиятга эга бўлиб, унинг нодир қўлёзмалари дунёнинг турли кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази ташаббуси билан жаҳон фондларида мавжуд бўлган ушбу қўлёзмаларнинг ягона каталогини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

## Ташаббус

Лойиҳа доирасида қўлёзмаларнинг электрон ва факсимиле нусхалари тайёрлини ҳам режалаштирилган. Бу имконият орқали тадқиқотчилар, олимлар ва кенг жамоатчилик «Саҳиҳи Бухорий» асарининг турли давр ва ҳудудларда кўчирилган нусхалари билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Каталог ва электрон база Ўзбекистондаги Ислмо цивилизацияси маркази, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ҳадис илми мактаби, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорлигида шакллантирилиши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

# «O'ZSANOATQURILISHBANK» ATB AKSIYADORLARINING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG'ILISHINI (MASOFADAN) O'TKAZISH TO'G'IRISIDA XABARNOMA

## Hurmatli aksiyadorlik tijorat banki aksiyadorlari!

«O'zsanoatqurilishbank» ATB Toshkent shahri, Shahrisabz ko'chasi, 3-uy manzili bo'yicha joylashgan (korporativ veb-sayt: [www.sqb.uz](http://www.sqb.uz), e-mail: [info@sqb.uz](mailto:info@sqb.uz)), Sizga 2025-yil 10-aprel kuni Toshkent shahri vaqti bilan soat 11-00 da masofadan turib elektron ovoz berish xizmati — <http://evote.uz/> orqali bank aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig'ilishi bo'lib o'tishini ma'lum qiladi.



### YIG'ILISH KUN TARTIBI:

- 2023-yil 30-noyabrda bank aksiyadorlari navbatdan tashqari umumiy yig'ilishining 03/2023-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O'zsanoatqurilishbank» ATBning 2024 — 2026-yillarda rivojlanish strategiyasining maqsadli ko'rsatkichlariga kiritilayotgan o'zgartirishlarni tasdiqlash;
- «O'zsanoatqurilishbank» ATB boshqaruvi

- to'g'risida Nizomni yangi tahrirda tasdiqlash va 2019-yil 28-iyundagi bank aksiyadorlari yillik umumiy yig'ilishining 01/2019-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O'zsanoatqurilishbank» ATB boshqaruvi to'g'risida Nizomni bekor qilish to'g'risida;
- «O'zsanoatqurilishbank» ATB Kengashi a'zolariga mukofot va kompensatsiya to'lash to'g'risidagi Nizomni yangi tahrirda tasdiqlash

va 2023-yil 27-iyundagi bank aksiyadorlari yillik umumiy yig'ilishining 01/2023-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O'zsanoatqurilishbank» ATB Kengashi a'zolariga mukofot va kompensatsiya to'lash to'g'risidagi Nizomni bekor qilish to'g'risida;

4. KPI ko'rsatkichlaridan kelib chiqib «O'zsanoatqurilishbank» ATBning boshqaruvi raisi va boshqaruvi raisi o'rinnoboslariga belgilangan yil yakuni bo'yicha ish haqi va mukofot miqdorini belgilash;

5. 2024-yil 20-martdagi bank aksiyadorlari navbatdan tashqari umumiy yig'ilishining 02/2024-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O'zsanoatqurilishbank» ATB tizimida qarzdorlik evaziga bank balansiga mol-mulkarni qabul qilish hamda ularni sotish tartibi to'g'risida»gi Nizomga kiritiladigan o'zgartirishlarni tasdiqlash;

6. 2024-yil 28-iyundagi bank aksiyadorlari

yillik umumiy yig'ilishining 03/2024-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O'zsanoatqurilishbank» ATB tashkiliy tuzilmasiga kiritilayotgan o'zgartirishlarni tasdiqlash;

7. Bankning «Ko'zda tutilmagan holatlar» hisobvoraqlarida qayd etilgan kundan boshlab 5 yildan o'tgan muammoli qarzdorliklarni hisobdan chiqarish to'g'risida (O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2015-yil 14-iyuldagi 2696-sonli Nizomiga asosan);

8. Bank Kengashining 3 nafar a'zosinging vakolatlarini muddatidan avval tugatish to'g'risida;

9. Bank Kengashida bo'sh bo'lgan o'rinlarga yangi a'zolari saylash to'g'risida;

■ Aksiyadorlarni navbatdan tashqari umumiy yig'ilishning o'tkazilishi haqida xabardor qilish uchun reyestri shakllantirish sanasi: 2025-yil 18-mart.

■ Aksiyadorlar navbatdan tashqari umumiy yig'ilishida ishtirok etish huquqiga ega bo'lgan aksiyadorlar reyestri tuziladigan sana: 2025-yil 7-aprel.

■ Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig'ilishiga oid hujjatlar bilan bankning [www.sqb.uz](http://www.sqb.uz) korporativ veb-sayti orqali tashish yoki [info@sqb.uz](mailto:info@sqb.uz) elektron manzili orqali so'rov yuborishingiz mumkin.

Yig'ilish qatnashchilarni ro'yxatga olish internet tizimi orqali elektron ovoz berish xizmati (<http://evote.uz/>)dan foydalangan holda 2025-yil 10-aprel kuni Toshkent shahri vaqti bilan soat 10:00 da boshlanib, 11:00 da to'xtatiladi.

Murojaat uchun telefonlar: 78-120-45-00 (ichki 85-55), 94-711-13-75.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида 27 март — Халқаро театр куни муносабати билан «Очиқ эшиклар куни» акцияси ўтказилади.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқиб олтиш учун QR-коддин телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.



Тахриратта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислмо Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.  
Мусахҳиҳ — С. Ислмов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.42 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6